

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI

215 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 14 мартдаги ПҚ–2146-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 14 мартдаги ПҚ–2146-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 6 май,
116-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 6 майдаги 116-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида» 2001 йил 26 июндаги 272-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 32-модда):

а) 3-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Кенгашга» сўзи «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» жумласи билан алмаштирилсин; олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари ҳисобланади ва белгиланган тартибда тайинланади»;

б) 4-иловада:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

илованинг номланиши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг
НИЗОМИ»;**

1.1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.1. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ижодий ишларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги ташкилот ҳисобланади».

1.2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.2. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг қарор ва тавсиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг буйруқлари, йўриқномалари, кўрсатмаларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади, ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ҳисобот беради»;

3.1-бандда:

иккинчи хатбошига «Кенгаши» сўзидан кейин «тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбошига «раҳбарлигига» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

4.2 ва 4.3-бандлардаги «Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

5.1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5.1. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси фаолиятига бош директор раҳбарлик қилади»;

5.3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5.3. Бирлашма бош директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимдан озод қилинади»;

5.5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5.5. Бирлашма бош директорининг ўринбосари бош директорнинг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимдан озод қилинади»;

6.1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6.1. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил қилинади ёки тугатилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва

спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда):

а) 1-иловининг 13-банди иккинчи хатбошидаги «уч» сўзи «тўрт» сўзи билан алмаштирилсин.

б) 2-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги тизимига кирувчи ташкилотлар ва муассасалар
РЎЙХАТИ**

I. Маданият муассасалари

1. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.
2. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси.
3. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дирекцияси
4. Оркестр (симфоник, камерли, халқ чолғу асбоблари).
6. «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси.
7. «Ўзбекцирк» республика бирлашмаси.
8. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби.
9. Ўрта махсус таълим муассасалари.
10. Республика методика ва ахборот маркази.
11. Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик маркази.
12. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси.
13. Бадий экспертиза бошқармаси.
14. «Ўзбекмузей» республика жамғармаси, республика музейлари.
15. «Гулистон», «Театр», «Мозийдан садо» журналлари тахририятлари.
16. Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси.
17. Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси.
18. Республика маданий-маърифий муассасалари.

II. Спорт муассасалари

19. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти.
20. Олимпия захиралари коллежлари.
21. Спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаблари.
22. «Сертификатлаш ва компьютерлаштириш маркази» давлат корхонаси.
23. «Спорт» газетаси тахририяти.

24. Олимпия шон-шухрати музейи.

25. Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби.

26. Республика олимпия захиралари теннис мактаби.

27. Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази.

28. Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби.

29. Федерациялар ва ассоциациялар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида» 2009 йил 29 июндаги 181-сон қарорига 2, 3 ва 4-иловалардаги «Хайдаров А.Х. — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори» сўзлари «Ахмедов Б.М. — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин.